



HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 13-FEVRAL, №6 (1203)

МАЖБУРИЙ
МЕҲНАТГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
БОРАСИДА 2690
НАФАР МАНСАБДОР
РАСМАН
ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ
4-БЕТ

«ИЛОҲИЙ ҚУДРАТ
СОҲИБИ»НИНГ
ЧЎПЧАКЛАРИГА
ЧЕК ҚЎЙИЛДИ.
5-БЕТ

ОТАНИНГ
ПРОКУРАТУРАГА
ЙЎЛЛАГАН
МУРОЖААТИ
АСОСИДА ЎГЛИГА
ЖИНОЯТ ИШИ
ОЧИЛДИ.
8-БЕТ

ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ
ХОДИМИ
ЁНИЛГНИ ТАЛОН-
ТОРОЖ ҚИЛДИ.
9-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**А.Холмахматовни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимига
тайинлаш тўғрисида**

Абдухалим Холмахматов Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 февраль

Абдухалим Холмахматов

А.Холмахматов 1956 йилда Қашқадарё
вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳу-
қуқшунос. 1982 йилда Тошкент давлат уни-
верситетини тамомлаган.



У прокуратура органларидаги фаолиятини
1986 йилда Қашқадарё вилояти прокуратураси
бўлим прокурори лавозимидан бошлаб, вилоят
прокурорининг катта ёрдамчиси, Қарши махсус
прокурори, вилоят прокуратураси бўлим бош-
лиги вазифаларида ишлаган. 1997-2001 йиллар-
да Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг фуқаролик ва
афв этиш масалалари бўйича референти, маъмурий-ҳуқуқий масалалар
ва жамоат хавфсизлиги бўйича консультанти, прокуратура органлари
фаолияти масалалари бўйича консультанти, ҳуқуқни муҳофаза қилув-
чи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича етак-
чи консультанти, прокуратура идоралари фаолияти масалалари бўйича
етақчи инспектори, адлия, прокуратура ва суд масалалари бўйича бош
инспектори лавозимларида фаолият юритган.

2001 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўрин-
босари, Тошкент вилояти прокурори, Фарғона вилояти прокурори,
Қарши тумани прокурори вазифаларида ишлаган.

2008 йилдан Тошкент шаҳар хўжалик судининг кадрлар масалалари
бўлимида катта маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжа-
лик судининг бўлим катта маслаҳатчиси, фуқароларни қабул қилиш ва
шиқоятлар бўлимининг бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

2017 йилдан hozirga qadar Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг Қашқадарё вилояти Халқ қабулхонаси мудири вазифасида ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Ш.Ш.Узаковни Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокурори лавозимига тайинлаш тўғрисида**

Шухрат Шаропович Узаков Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Харбий
прокурори лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 февраль

Шухрат Шаропович Узаков

Ш.Узаков 1961 йилда Самарқанд вилоя-
тида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос.
1984 йилда Самарқанд давлат университетини
тамомлаган.



У прокуратура органларидаги фаолиятини
1985 йилда Самарқанд вилояти прокуратураси
тергов бўлими прокурори лавозимидан бошлаб,
тергов бўлими катта прокурори, Каттакўрғон
шаҳар прокурорининг ўринбосари, вилоят про-
курорининг ёрдамчиси ҳамда вилоят прокуратураси ташқи иқтисодий
фаолиятда порахўрлик, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларга
қарши кураш гуруҳи бошлиғи вазифаларида ишлаган.

1992 йилдан Самарқанд харбий прокурори, Шарқий харбий округ
харбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурорининг
биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2003-2016
йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари
— Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурори вазифасида ишлаган.

2016 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузу-
ридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи, Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши Жа-
моат хавфсизлиги бошқармаси ахборот ва мафкуравий соҳалардаги
таҳдидларга қарши курашиш бўйича шўъба мудири лавозимларида
фаолият юритган.

2017 йилдан hozirga qadar Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг Самарқанд вилояти Халқ қабулхонаси мудири вазифасида ишлаган.

ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА МАҲЛИЁЛИК – ТУРҒУНЛИК ВА ИНҚИРОЗ ОМИЛИ

2020 йил 8 февраль кuni Бош прокуратурада видеоселектор тарзида ўтказилган кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь кuni Олий Мажлисга қилган мурожаатидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳамда прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти натижалари муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Респу-
бликаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдо-
шев маъруза қилди.

Йиғилишда прокуратура органлари
томонидан мамлакатимизда олиб бори-
лаётган кенг қўламли ислохотларга ҳа-
моҳанг тарзда жамиятда қонунийликни
мустаҳкамлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарли-
кларнинг олдини олиш борасида муайян
ишлар амалга оширилаётгани таъкид-
ланди. Хусусан, қонунлар ижроси устидан
назорат, шунингдек, ислохотлар ва давлат
дастурлари ижросини ташкил этиш бораси-
даги тадбирлар натижасида 90 мингга яқин
прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, 154
миг кишининг бузилган ҳуқуқи тикланди.
Прокурор текширишлари ва дастлабки

тергов давомида айбдорлар жами 2 трлн.
341 млрд. сўмлик зарарни қоплаши таъ-
минланди.

Тадбиркорликни жадал ривожланти-
риш, инвестицияларни жалб этиш, экспорт-
ни кўпайтириш каби долзарб йўналишлар-
да тизимли тадбирлар амалга оширилиб,
4163 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи
тикланди, 15961 нафарига муаммосини
бэртараф этишда кўмаклашилди.

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар
– келажагимиз» давлат дастурлари ҳамда
худоудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-
лантириш борасидаги вазифаларнинг бажа-
рилиши устидан доимий назорат ўрнатилди.
Жумладан, Бош прокуратурага бириктирил-
ган Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри,

Оҳангарон ва Бекобод туманларида барча
манбалар ҳисобидан 601 млрд сўмлик
коммуникация тармоқлари ҳамда уйлари
таъмирлаш, ижтимоий объектларни қуриш
ҳамда худоудларни ободонлаштириш иш-
лари амалга оширилди.

Президентимиз илгари сурган бешта
ташаббусни рўёбга қариши бўйича кенг
қамровли ишлар қилинди. Хусусан, 1554 та
огир шароитда яшаётган ҳамда 9896 та уйга
муҳтож силлага ёрдам кўрсатилди, 7324 на-
фар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.
Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-
бузарликлар профилактикасини самарали
ташкил этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органларнинг ҳамкорликда кўрган
чоралари натижасида умумий жиноятчи-
лик 6 фоиз камайди, 3074 та маҳаллада жи-
ноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Судларда жиноят, фуқаролик ва иқти-
содий ишлар кўрилишида фуқароларнинг
ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва дав-



латнинг қонун билан кўриқландагидан ман-
фаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам
муайян ишлар қилинди. Прокурор протест-
ларига асосан жиний судларнинг 1997 на-
фар шахсга нисбатан қарорлари, фуқаролик
ишлари бўйича судларнинг 1455 та, иқтисод-
ий судларнинг 786 та, маъмурий судларнинг
1085 та қарори ўзгартирилиши ёки қонунга
мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Давоми 2-бетда



Рустам Шарипов олган суратлар.

ПРОКУРАТУРА УЮШТИРГАН ТАДБИР

Ўзбекистонда ҳар йили буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туғилган куни муносиб нишонланади. Жумладан, Бош прокуратура ташаббуси билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими, Ички ишлар ҳамда Маданият вазирликлари билан ҳамкорликда 2020 йил 7 февраль куни Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйи ҳамда «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари учун Ёш томошабинлар театрида «Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси» шиори остида навоийхонлик кечаси ташкил этилди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта ташаббусни кенг жорий этиш, хусусан, болаларнинг маданият ва санъатга қизиқишини ошириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда навоийшунос олимлар, ёзувчи ва шоирларнинг Алишер Навоий ҳақидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тайёрлаган кўргазмали чиқиш ва танқидли санъаткорларнинг концерти намойиш этилди.

Бош прокуратура томонидан ҳар бир болага Навоий қаламига мансуб ҳамда унинг ҳаёти ва ижоди-га оид бадиий асарлар совға қилинди.

Тадбирда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари-га спектакль ҳам намойиш этилди.

Шунингдек, шу куни республиканинг барча ҳудудларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти прокуратуралари ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун навоийхонлик кечаси ташкиллаштирилиб, болаларнинг вақти мазмунли ўтказилиши таъминланди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Нидоқ»

СЕКТОР FAOLIYATI

ХАЙРЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Бугунги кунда Тошкент шаҳар прокурорлар секторларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шaroитини яхшилаш ва муаммоларини бартафат этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда 124 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 174 163 та хонадонда 625 211 киши яшайди. Уларнинг оилавий шaroитини ўрганиш мақсадида 65 та гуруҳ ташкил қилиниб, уларга 221 нафар мутахассис жалб этилган.

2019 йили уйма-уй юриш асосида хонадонларда аниқланган 11273 та муаммонинг барчаси ҳал этилган. Жумладан, ўрганишлар давомида уйга муҳтож 2071 та, уйи таъмирга муҳтож 36 та оила аниқланиб, уларга ёрдам кўрсатилган. Мисол учун, Чилонзор туманида яшовчи Л.Юсупова ва турмуш ўртоғига 1-гуруҳ ногирони бўлгани ва вояга етмаган уч фарзанди билан истикомат қилиши учун уйи бўлмагани сабабли Сергели туманида қурилатган уйлardan имтиёзли равишда бошланғич тўловсиз уч хонали хонадон берилган.

Юнусобод туманида яшовчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож Л.Семёнованинг уйида ҳомийлар томонидан 30 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган.

Учтепа туманида яшовчи Н.Ашурованинг фарзандини чет элда даволатиш учун ҳомийлар томонидан 1000 АҚШ доллари тўлаб берилган.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа соҳа объектиларида аниқланган 2024 та муаммо ҳал этилган. Масалан, Юнусобод туманидаги 156-мактабгача таълим муассасаси ҳомийларнинг 7,1 млрд. сўм пули ҳисобидан ҳамда 87-маҳсус мактаб ҳомийларнинг 3,5 млрд сўм пули ҳисобидан капитал таъмирланган.

Миробод туманидаги имкониёти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 57-мактабнинг девори ҳамда жиҳсоний тарбия хонаси таъмирланган. 440-мактабгача таълим муассасасининг таъмирлаш ишларига 59,2 млн. сўм ажратилган.

Бектемир туманидаги «Чашма» МФЙда уйлари ташқи кўриниши тартибга келтирилган, маҳаллага 1 км.га яқин оқова сув тизими ўтказилган ҳамда 1 км. йўлга асфальт ётқизилган.

Секторларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммосини ҳал этиш чораси кўрилмоқда. Хусусан, «Надежда клеанинг» МЧЖга қурилиш моллари ишлаб чиқариб, 1 млрд. сўм ин-



вестиция киритиш ва 100 та янги иш ўрни яратиш шarti билан Сергели тумани халқ таълими бўлими балансидаги фойдаланилмаётган бассейн биносини ижарага олишда ёрдам кўрсатилган.

Президентимизнинг бешта ташаббусини рўёбга чиқариш бўйича маҳаллаларда ҳар ойда икки марта тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, замонавий кутубхона ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Сергели туманидаги 304-мактабда электрон китоб жавони ташкил қилиниб, 3000 га яқин китоб билан таъминланди.

Прокурор секторларидаги маҳаллаларда 1099 та камбағал оила аниқланиб, уларни иш билан таъминлаш, имтиёзли кредитлар олиб бериб тадбиркорликка жалб этиш чоралари кўрилган. Натижда 1044 та оила кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилган.

Бундай хайрли ишларни Тошкент шаҳрининг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Ойдин НОРОВА,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ЁШЛАР БИЛАН БИРГАМИЗ

Ўтган йилда вилоят прокуратураси ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Йил якунига келиб ёшлар содир этган жиноятлар 33,6 фоиз, жиний жавобгарликка тортилган ёшлар сони 67,2 фоиз камайишига эришилди.

Профилактик тадбирларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йилнинг ўтган даврида вилоятда жиноят содир этган 32 нафар ёшлар қафиллик асосида суд залидан озод қилиниб, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва дунёқарашини ўзгартириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

«Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида 2019 йили тадбиркор ёшларнинг 372 та лойиҳасини амалга ошириш учун 100 млрд. 757 млн. сўм кредит йўналтирилди ва 1096 та янги иш ўрни яратилди. Намонавий лойиҳалар асосида қурилган 82 та хонадон ёш оилаларга топширилди. 2020 йил учун 180 та ёшлар уйининг бошланғич бадали тўлаб берилди.

Президентимиз илгари сурган бешта ташаббусни амалга ошириш бўйича ҳам масъул ташкилотларга вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда Ички ишлар бошқармаси пробация бўлинмалари назоратида турган 1946 нафар ёш, 25 нафар бола билан индивидуал иш олиб борилмоқда.

Афсуски, назоратда турган шахслар ва жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам жиноят содир этмоқда. Бу каби салбий ҳолатларни ёшларимизнинг ўзбошимчалиги, катталарнинг сўзига кирмаслиги ва бекорчилиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, вилоятда яна бир ноҳуш ҳолат бор. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида 26180 та никоҳ қайд этилган, бироқ 1970 тасида ажрим юз бергани жуда ачинарлидир.

Вилоятда 30 ёшгача бўлганларнинг 71657 нафари турли мақсадда хорижий мамлакатларга чиқиб кетган. Улар орасида хотин-қизларнинг борлиги барчамизни ташвишга солади.

Жиний жавобгарликка тортилган ёшлар сони 67,2 фоиз камайишига эришилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича олдимизда қатор вазифалар мавжуд. Хусусан, вилоят прокуратураси сектори ҳисобланмиш Пайариқ, Иштихон, Қўшработ туманлари ва Каттақўрғон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ва таълим муассасаларида ёшлар билан мулоқот ўтказиш режаси тузилди. Бу учрашувларда ёшлар ўзларини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилиши мумкин бўлади. Мисол учун, яқинда Пайариқ тумани Ёшлар маркази биносида вилоят прокурори Ф.Зуфаров туман ёшлари билан учрашди. Унда ёшлар прокурорга 16 та муаммо юзасидан мурожаат қилди. Мурожаатларнинг икkitаси қаноатлантирилди, тўрттасига асосли тушунтириш берилди, қолган ўнтасини мутахассислар ўрганиб чиқмоқда.

Жумладан, «Дарвишиқ» МФЙда яшовчи 2000 йилда туғилган Маржона Абулқосимова мурожаат қилиб, ота-онаси вафот этгани, бугунги кунда 15 ёшли укаси билан бирга яшаб келаётганини, уйда шароит йўқлигини айтиб, отасидан қолган уйни таъмирлашда, рўзғор буюмлари, озик-овқат, кийим-кечак сотиб олишда ёрдам берилишини сўради.

Мазкур мурожаатни вилоят прокурорининг шахсан ўзи ўрганди. Мутасадди ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида М.Абулқосимова ва укаси йилнинг барча мавсумига старли кийим-кечак ва озик-овқат билан таъминланди. Хонадоннинг товуқхонаси борлиги аниқланиб, товуқ олиб берилди.

Келгусида М.Абулқосимованинг уйи таъмирланиб, мебель ва ошхона жиҳозлари ўрнатилиши, ҳашар йўли билан оғилхона қурилиб, болани сугир олиб берилиши белгиланди. М.Абулқосимовани иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Улуғбек ХАМДАМОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг ўринбосари

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси мунтазам назорат қилиб борилди.

Ассосий эътибор аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш ва бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилди.

Бунда Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, бошқарма томонидан соҳадаги қонунчилик юзасидан ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра Президент администратсиясига киритилган ахборотлар асосида еттига норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Масалан, меҳнат қонунчилиги ижроси таҳлил қилиниб, «Ўзбекистон Республикасининг жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва 2019 йилда ушбу қонун қабул қилинган.

Шунингдек, «Архив иши тўғрисида»ги қонун ижросини ўрганиш натижасига бўйича архивлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2019 йил 4 мартда Президент администратсиясига киритилган.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва мазкур соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижроси доимий назорат қилиб борилди.

Хусусан, 2019 йилда 6 мингта яқин иш ўрни қўшиб ёзилгани аниқланиб, улар асосан Самарканд (2014 та), Жиззах (1219 та), Фарғона (1023 та), Наманган (883 та), Қашқадарё (412 та) вилоятлари ҳисобига тўғри келган.

Соҳада коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, 2019 йил 25 декабрда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси мажлисида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида содир этилаётган коррупцион жиноятлар, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган вазифаларни белгилаш масаласи муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинди.

Шу каби олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш ва «коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб тасдиқланди ҳамда 2020 йил 18 январда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси мажлисида соҳадаги коррупция ҳолатлари муҳокама қилинди.

Жаҳонгир ЮСУПОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

<p>Ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра 20 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди.</p>	
<p>3250 нафар фуқаронинг кечиктирилган масалалари</p>	<p>Тегишли соҳада корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини яширган ҳолатлар аниқланиб, 24 331 кишига ишга жойлаштиришга ёрдам кўрсатилди.</p>
<p>6,3 млрд. сўм иш ҳақи.</p>	<p>Уларнинг 4103 нафари халқ таълими, 2834 нафари соғлиқни сақлаш, 348 нафари олий ва ўрта махсус таълим тизимида, 17023 нафари бошқа ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.</p>
<p>214 кишининг 131 млн. сўм пенсияси ва 57 кишининг 484 млн. сўм нафақа пули ундириб берилди.</p>	<p>Мажбурий меҳнат: 27 та мурожаат қўриб чиқилиб, 14 таси қаноатлантирилди, 13 тасига тушунтириш берилди. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра 2690 нафар мансабдор расман огоҳлантирилди.</p>
<p>6339 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.</p>	<p>Мурожаатлар билан ишлаш: 313 мингдан ортиқ мурожаат ҳал қилиниб, 55404 таси қаноатлантирилган, 6696 таси рад этилган ва 251 130 таси бўйича тушунтириш берилган. 26936 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.</p>

FAOLIYAT

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Денов тумани прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.

Масалан, «O' tki-rarovon-kelajak» ХК раҳбари Ў.Тошбоевнинг «Е-ijro aukcion» ягона савдо майдончаси орқали ютиб олган ер майдони фуқаро А.Хидиров ва унинг оила аъзолари томонидан эгаллаб олингани ҳақидаги мурожаати ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди.

Яъни, туман ҳокимининг ер участкасини аукционга чиқариш тўғрисидаги қарорига асосан Чоргул маҳалласидаги 0,02 га ер очик аукционга қўйилди ва 2019 йилининг 29 июль куни Ў.Тошбоев ғолиб деб топилди. Аммо бу ерни А.Хидиров ўзбошимчилик билан эгаллаб олади. Шу сабабли ерни Ў.Тошбоевга қайтариш, ноқонуний қурилган уйни жавобгар ҳисобидан бузириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларо судига даъво аризаси киритилди.

Тадбиркор А.Сайфуллаевнинг оилавий корхонаси томонидан ишлаб чиқилган икки қаватли маъмурий бинода меҳмонхона таш-

кил қилиш лойиҳаси туманнинг 2019 йилги дастурига киритилган бўлиб, у октябр ойида ишга туширилиши белгиланган эди. Бироқ туман ҳокимлиги мазкур бино «Умуркул Сайфуллаев» фермер хўжалигига узумчилик учун ажратилган 200 миллион сўм кредитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилганига эътибор қаратмасдан, бинонинг биринчи қавати ассосиз равишда туман ИИО ФМБга ўтказиб берилган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси ҳокимнинг қонунга зид қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтирди ва у қаноатлантирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Шунингдек, 19 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланиб, 25 киши иш билан таъминланди.

Илхом АБДИЕВ,
Денов тумани прокурорининг ўринбосари



ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Мен 2019 йилнинг декабрь ойида Ғиждувон тумани ҳокимига ижтимоий ҳимояга муҳтожлигим ва шароитим оғирлиги, полсиз уйда яшаётганим, томидан ёгингарчилик пайтида сув ўтиши, хонадонимда ошхона ва газ йўқлиги, электр тез-тез ўчиши ҳамда турмуш ўртоғим ёшлигидан ва ўғлим тумна ногиронлигини баён қилиб, ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим.

Ушбу мурожаатим сектор иши гуруҳлари томонидан чуқур ўрганилиб, ўз тасдиғини топиб, уйимнинг томи тунука билан қопланди, полини қилиб беришди. Оиламиз билан шу хайрли ишга ҳисса қўшган ҳаммага, айниқса бу ишга бош-қош бўлган Ғиждувон тумани прокурорининг ўринбосари Ғафуржон Рахмоновга миннатдорчилик билдираман.

Соҳиба ТЕШАЕВА,
Ғиждувон тумани Андиқён қишлоғи, 17/1-уй

JARAYON

Фуқаролар, айниқса ёши улуғ пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ҳарбий пенсионерларнинг ижтимоий таъминотини мунтазам равишда ўрганмоқда.

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Навий ҳарбий прокуратураси вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўтказган мониторингда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабига амал қилинмаётгани, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун айрим тоифадаги нафақахўр ва пенсионерларга тоvon пули тўланмаётгани аниқланган.

Ҳарбий прокуратура томонидан ушбу ҳолат барча вилоят мудофаа ишлари бошқармаларида ўрганиб чиқилганда, Мудофаа вазирлигининг жами 2099 нафар нафақахўр ва пенсионерга юқориди қарорга асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 430 млн. сўм пул компенсацияси тўланмагани аниқланди. Мудофаа вазирлигига юборилган хат ҳамда кўрилган чоралар натижасида нафақахўр ва пенсионерларга пул компенсацияси тўланиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шухрат ЗОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



ҲАРБИЙ ҚИСМДА БИР КУН

Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан Фарғона шаҳар ҳокимлиги ва Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда Фарғона гарнизонидagi ҳарбий қисмда ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари иштирокида «Ҳарбий қисмда бир кун» акцияси ўтказилди.

Дастлаб ўқувчилар ҳарбий қисм тарихи билан таништирилиб, жанговар ҳаракатларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбийлар ёд этилди ҳамда ҳарбий қисмдаги хотира майдонига гулчамбарлар қўйилди.

Ёшлар учун китоб кўргазмалари ташкил этилди ва саф майдониди саф қўшиқлари билан юриб ўтиш, қурол-аслаҳа намойиши, жанговар тайёргарлик фанлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

Маданият марказида акциянинг якунига бағишланган тадбир ташкил қилиниб, ёшларни қизиктирган саволларга жавоб берилди. Барча машғулотларда ўқувчиларнинг фаоллиги баҳолаб борилди. Юқори натижага эришган ёшлар қўмондонлигининг совгалари билан тақдирланди.

Илхом САЛОМОВ,
Фарғона ҳарбий прокурорининг ўринбосари

МАРД ВА ТАДБИРКОР ИНСОН

Она замин миллионлаб буюк зотларга бешик бўлган. Аммо ўз номини тарих зарварақларига битиб кетганлари кўп эмас. Қизиғи шундаки, уларнинг ҳам жуда озчилиги жаҳон аҳлининг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган. Ана шундай улуғ сиймолардан бири бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.



Мовароуннаҳрда қилолмаган ишларини амалга оширди, кўплаб бог-роғлар, йўллар, карвонсарой ва ҳаммомлар, ариқ ва сув омборлари бунёд эттирди.

Юқорида биз бобокалонимизни жаҳон аҳлининг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган дея қайд этдик. Хусусан, шарқшунос Эдуард Ҳолден шундай ёзган эди: «Саркарда Бобур подшоҳ ва адиб сифатида Цезар билан бир сафдан ўрин олишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аммо Бобурнинг характери Цезарнинг характерига нисбатан кўпроқ муҳаббат ва ҳурматга лойиқдир. Негаки, унинг манглайига юксак фазилятли инсон деб битиб қўйилган!».

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавахарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли асарида «Бобур – дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор инсон бўлган. У санъатни, адабиётни севарди. Ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди» дея Бобурга юксак баҳо берган эди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги йирик вакили, хассос ва ҳақгўй ижодкор Бобурнинг алабий меросидеги энг муътабар асар, шубҳасиз, «Бобурнома»дир. Муаллифнинг ўзи эътироф этганидек, умр китоби саналмиш ушбу асар бадий, тарихий,

этнографик ва географик жиҳатдан қимматли манба ҳисобланади.

«Бобурнома»ни мутолаа қилган киши муаллифнинг нозик қалб соҳиби, география, табиатшунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик илмларининг билимдони, тадбиркор подшоҳ, рухшунос саркарда, адолатли бошлик, меҳрибон ота, ғамхўр қариндош, ҳолис муаррих, қисқа қилиб ифодалаганда, олижаноб инсон эканига амин бўлади. Бобур ўтмиш ва ўзи яшаган давр воқеаларига баҳо беришда камдан-кам шарҳловчиларга насиб этадиган ҳолислик принципларига амал қилган.

Бобур нафақат ўзгалар табиатидаги қусур ва хислатларни кузатиб, ўз баҳосини беради, балки ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларни ҳам рўй-рост айтиб ўтади, улардан одилона хулоса чиқаради. Ёшлиги, тажрибасизлиги боис мағлубият аламини тортган фурсатларда чеккан хавотир ва кўркувини яшириб ўтирмайди, балки ўқувчи билан баҳам кўради... Асарда инсоннинг ички ҳолати, руҳиятининг турфа кирралари рўй-рост ифодаланган ўринлар анчагина.

Қатга бир салтанатга асос солган бўлса-да, Бобур ватандан узокда яшашни гурбат деб билди. Ҳокимият учун курашлари талотўшларда ҳатто дўсту ёрлари ҳам унга хиёнат қилишди. У сарсон-саргардонликда юрган кезларида ҳам, илк зафарлардан то улкан салтанат барпо этиб, фаровонлик, шону шуҳратга эришганда ҳам Андижону Самарқандни, она юрда қолган дўст-ёрларини асло унутмади, яқинларини доимо совға-саломлар билан йўқлаб турди.

Шоир ўз бошига тушган қулфатлар-

нинг сабабини толесизликдан деб баҳолайди. Шу боис шоирнинг бир рубойи-сида шундай дейилган:

*Толъё йўқи жонимга баолоғ бўлди,
Не ишники айладим, хатолик бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролик бўлди.*

Бобур шеърятининг ҳар бир сатрида ватанга муҳаббат, унинг соғинчи сезилиб туради. Жумладан, шоирнинг «Қаро зулфинг фироқида паршон рўзгорим бор» деб бошланувчи ғазалида соф ошиқона кечинмалар моҳирона ифодаланган бўлса-да, аммо кейинги байтларда ҳасби ҳоллик хусусияти кучая боради:

*Жаҳондин менга ғам бўлса,
улусдан гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса,
сешигдек ғамгусорим бор.*

Шоирнинг «Жонимдин ўзга ёру вадодор топмадим», «Менинг кўнглимки гулнинг гунчасидек тах-батах қондур», «Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимую?!» мисралари билан бошланувчи ғазаллари ҳам юқоридаги каби ҳасби ҳоллик йўсинида битилган.

Ҳа, шоҳ ва шоир Бобур Мирзо эзгулик, адолат, одиллик ва ростгўйликни умри мазмуни, ҳаёти маъноси деб билди, сўз баҳрида улкан ва мустаҳкам кема янглиг сокин ва ишонч билан сузиб, атрофга тип-тиник дурлар каби жилонланувчи нодир ва донишмандона фикр инжуларини улашди. Бу билан нафақат ўз миллатдошлари, балки бошқа халқлар қалбидан ҳам чуқур жой эгаллади.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«НУҚУР»

JINQIYAT HAQIQATI VA ADOLATI

«ИЛОҲИЙ ҚУДРАТ СОҲИБИ»НИНГ ЧЎПЧАКЛАРИ

Бухоро қадимдан ислом маданияти маркази сифатида эътироф этилади. Манбаларда иккинчи Мадина, Мадинат ут-тузжор номлари билан таърифланган Бухорода ўзини пайғамбарман деб эълон қилган Д.Ё. бу маълумотлардан беҳабар бўлса керак.

2000 йил. Қишнинг изғиринли, зим-зиё туни. Шамолнинг увиллашидан уйғониб кетган Д. у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Уйқуси қочган бўлса-да, кўзини очмай хаёлга боғди... Бирдан кимдир унинг исмини айтиб чақиргандек бўлди.

Тушимми-ўнгимми деб хайрон бўлиб, бутун вужуди кулоққа айланиб қотиб қолди. Яланғоч дарахтлар новдаси кўркинчи шақирлаб овоз чиқарарди. Д.нинг хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди... Негадир ўзини чексиз қудрат соҳиби деб ҳис қила бошлади. Эрталаб уйғонганда ҳам бу хомхаёл уни тарк этмади.

Жўйна вли к Д.Ё.га илохий

вахий келибди деган хабар тез орада Шофирқонга тарқаб кетди.

Л.Н. соғлиғидан шикоят қилиб юрган опаси Г.А.ни олиб Жўйнав кишлоғига келди. Қаззоб аёлни топиши қийин кечмади.

– Ихлосу халос, айланай. Менга Аллоҳдан ваҳий келиб, мана, китоб тартиб қилаяман, – деди аёл ўзини қандай тутишини билмай кўзларини мижозлардан олиб қочиб. – Китобнинг номи «Тухфа». Албатта Аллоҳнинг тухфаси. Мен пайғамбар бўламан.

– Тавба, астағфуруллоҳ, астағфуруллоҳ, – деди аёллардан бири секингина.

– Бу китобни олиб ўқийсиз, ёзиб оласиз, ана ўшанда ҳам дардан фориғ бўласиз, ҳам худдони танийсиз.

Бу суҳбатдан сўнг Л.Н. гўё сеҳрланиб қолди. Хусусан, пай-

ғамбарликка даъвогар опанинг «худони танийсиз», «руҳиятингизни даволайди» деган сўзларини эшитиб маҳлиё бўлиб қолди. «Тухфа» китоби 93 қисмдан иборат бўлиб, 5 турга бўлинаркан. Энди Л.Н.га ўхшаган мижозлар сони орта борди.

Г.А.нинг келини Н.И. ҳам бу аёлга ғайб илми берилган деган чўпчакка ишонди-қўйди.

2019 йилнинг 27 май куни Д.Ё. яшаб келаётган Шофирқон тумани Жўйнав кишлоғидаги 113-уйда тинтув ўтказилганида, унинг хонадонига Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 14 июндаги 292-хулосасига кўра ноқонуний диний ташкилот тузиш ва унинг фаолиятида қатнашишга ундаган ва Муҳаммад пайғамбар пайғамбарларнинг, Қуръон эса илохий китобларнинг сўнгтиси эмаслиги, ислом манбаларидаги Муҳаммад алайҳиссаломнинг охириги пайғамбар, Қуръон охириги илохий китоб экани ҳақидаги оят ва ҳадислар инсонлар томонидан Қуръон ва ҳадисларга қўшиб қўйилгани ҳақидаги фикрлар мавжуд бўлган «Тухфа» номли китобдан

қўчирилган 27 та дафтар, 3 та файл папка, 1 дона флешкани келгусида тарқатиш мақсадида сақлаб келаётгани аниқланди.

Энг ачинарлиси, Д.Ё. олий маълумотли, Бухоро давлат университетини ўзбек филологияси факультетини 2018 йилда тугатган кизи Д.У.ни ҳам бу ишга жалб этган.

Жамоат хавфсизлиги ва тартибга таҳдид соладиган шундай материалларни тайёрлаш ва тарқатиш жиноятини содир этган Д.Ё.га нисбатан суд 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бухородаи шариф юрда диний илмларни эгаллаш учун етарли шароит яратилган, «Жўйбор» аёл-қизлар мадрасаси, «Мир Араб» мадрасасида Қуръон тарихи, диний қадриятлар олимлар, мутахассислар томонидан ўргатилаётган бир пайтда бир қаззобнинг гапларига ишониб, унга эргашиган кишиларни ким деб аташ мумкин?

Ботир СУЛТОНОВ,
Вобкент тумани прокурори



Жорий йилнинг 10 март кундан бошлаб Умра зиёратига кунига 3 та авиарейс амалга оширилади.

АДОЛАТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА



«Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фоизлар, рақамлар, қоғознинг орқасидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда... бутун халқимиз биздан рози бўлади».

Маъмур сўзлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга қилган мурожаатида айтилди. Бу эса прокуратура органларининг ходимлари мурожаатда баён қилинган ҳар бир мақсад ва вазифага шу нуктадан назардан ёндашиб, ўз вазифаларини адолат ва садоқат билан бажаришларини тақозо этади.

Айни пайтда Сирдарё вилояти прокуратура органлари маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматнинг фармон ҳамда қарорлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган 2019 йилга ўхшаладиган бўлса, соҳалар бўйича амалдаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган 1252 та текшириш натижасига кўра аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун 2917 та прокурор назорати ҳужжатлари қўланди. Хусусан, ғайриқонуний ҳужжатларнинг 769 тасига протест келтирилди, аниқланган қонунбузилишлар 680 та тақдимнома орқали бартараф қилинди. 272 нафар мансабдор қонун бузилишига

йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди, 1470 нафари интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 140 та жиноят иши кўзга тилиди.

Ўтказилган зарарни ундириш юзасидан судларга 1 млрд. 424 млн. 300 минг сўмлик 114 та даъво аризаси киритилиб, 2 млрд. 235 млн. 200 минг сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилди, 3310 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидати тиббий муассасаларда текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 88 киши маъмурий ва 103 киши интизомий жавобгарликка тортилди. 44 та ғайриқонуний ҳужжатга протест келтирилди ва иккита жиноят иши кўзга тилиди. 23 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, прокуратуранинг ёрдами билан 810 кишининг даволаниши ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояга мухтож 181 нафар шахсга бепул даволаниши учун ордер берилди, 53154 киши тиббий кўриқдан ўтказилди. Масалан, Сайхунбод туманида ўтказилган сайёр қабулда кам таъминланган М.Исмаилова ва Ф.Кенжаевага даволаниш ва эндопротез ускунасини сотиб олиш учун жами 40 млн. сўм пул

ажратилиши таъминланди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида вилоятда 146 560 та хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилди. Фуқароларнинг кредитга талабини ўрганиш натижасида 17474 та оилга 441 млрд. 800 млн. сўм кредит ажратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги экспортни рағбатлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, 2019 йилда 61 млн. 360 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилиш белгиланган бўлса, амалда 66 млн. 434 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, режа 108,3 фоиз бажарилиши таъминланди.

Бу борада вилоят прокуратураси органлари томонидан 101 та экспортчи корхонадан 69 тасига ёрдам кўрсатилиб, 3 тасига 4 млрд. 300 млн. сўм кредит, 18 тасига 1017 гектар ер, 5 тасига бино ажратилишида, 5 тасига коммуникация тармоқларига уланишда, 2 тасига лицензия ва рухсатнома олишида, 6 тасига солиқ ва боғхона билан боғлиқ масалада, қолган 23 тасига бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги «Эшитиш ва нутқидо муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, вилоят прокуратурасининг ёрдами билан Ўзбекистон қарлар жамияти марказий бошқарувининг 2019 йил 23 апрелдаги қарорига асосан Сирдарё вилояти қар ва соқовлар жамияти ташкил этилди.

Жамият фаолият юритиши учун вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг «Гулистон» марказий стадиони биносидан учта хона ажратиб берилди. Шунингдек, жамиятнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш мақсадида Бобёвут туманидан ҳокимнинг 2019 йил 19 апрелдаги 2866-қарори билан 10,4 гектар ер ажратиб берилиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш, дехкон ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган текшириш натижаси-

га кўра 524 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 134 та ғайриқонуний ҳужжатга протест келтирилди, аниқланган қонунбузилишлар 66 та тақдимнома орқали бартараф қилинди. 200 нафар мансабдор расман огоҳлантирилди, уларнинг 61 нафари интизомий, 61 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 5 та жиноят иши кўзга тилиди. 13 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Хусусан, «Ўзгарознинг» АЖ Сирдарё вилояти филиали томонидан лизинг шартномасига асосан «Агротех пахта МТП» МЧЖга 293 та чопиқ трактори тўлиқ моддий жавобгарлик асосида етказиб берилгани, бироқ жамиятнинг Сайхунбод тумани бўлими вакили У.Ўроқов ҳамда Сардоба тумани бўлими бошлиғи А.Хўролизнинг 529 млн. 400 минг сўмлик 6 та тракторни талон-торож қилгани юзасидан жиноят иши кўзга тилиди, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлар ижроси ҳам мунтазам назорат қилиб боришмоқда. Хусусан, Ширин шаҳри ёшлари билан бўлган учрашувда бир гуруҳ ёшлар Сирдарё ИЭС фаолияти билан яқиндан танишиб, электр энергияси ишлаб чиқариш жараёни бўйича тасаввурга эга бўдилар. Шунингдек, Янгир шаҳар ёшлари билан учрашувда улар «Омад текс» тикувчилик ва электр чойнак ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Бундай учрашувлар ёшларнинг касбга қизиқишларини опиринида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижроси бўйича вилоят, ҳар бир туман (шаҳар) ҳамда маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Жиноят ҳақиқати ва адолати концепцияси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойилга амал қилган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш, ҳал этиш ва уларнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Ходимлар томонидан 13764 нафар, жумладан, шахсан прокурорлар томонидан 5741 нафар жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари, шундан 6964 нафари меҳнат жамоаларида ва яшаш жойларида қабул қилинди.

Президентимизнинг парламентга мурожаатида қайд қилинган замонавий билликларни ўзлаштириш, рақамли иктисодиётни ривожлантириш, давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимлар мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботни парламент ва халқ депутатлари кенгашларида эшитиш тизимини йўлга қўйиш, хусусий секторга кенг йўл очиб ва бошқа талабларнинг сўзсиз бажарилиши олдимизда турган асосий вазифа бўлиб, бу борада кенг камровли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Равшан МАШАРИПОВ,
Сирдарё вилояти прокурори

Бандлик масалалари:

Янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида **69** та меҳнат ярмаркаси ўтказилди.
8187 киши ишга жойлаштирилди, шу жумладан, **6501** нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида:

338 нафар тадбиркорга ёрдам кўрсатилди.
26 нафарига шундан **74** нафарига **7** млрд. **496** млн. сўм кредит
49 нафарига лицензия олишида
88 нафарига бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Натижада **132** та тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлса, **186** таси ўз фаолиятини тиклади. Уларда **487** та янги иш ўрни ташкил этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг **6** таси ҳокимликлар, **5** таси банклар, **6** таси электр ва **11** таси бошқа идоралар ҳиссасига тўғри келади. Аниқланган ҳолатлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўланди.

Жиноятчиликка қарши кураш масалалари:

Фрэндининг таълим олишини таъминламаётган ота-оналардан **429** нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.
Бу даврда вояга етмаганлар **15** та жиноят содир этиб, маъмур кўрсаткич **2018** йилга нисбатан **31,8%** камайди.

Умумий жиноятлар сони **2018** йилга нисбатан **34** та ёки **2,6%** камайди.

Мурожаатлар билан ишлаш:

Прокуратура органларига келиб тушган **12789** та мурожаатдан **9729** таси ҳал этилиб, **1961** таси қаноатлантирилди.
Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасига кўра **108** та қонунга зид ҳужжатга протест келтирилди, аниқланган қонунбузилишлар **8** та тақдимнома орқали бартараф қилинди.

Мансабдорларнинг **27** нафари интизомий, **32** нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, **10** та жиноят иши кўзга тилиди.
Ўтказилган зарарни ундириш юзасидан судларга **1** млрд. **268** млн. **800** минг сўмлик **58** та даъво аризаси киритилиб, **1** млрд. **416** млн. **400** минг сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий равишда ундирилди.
2444 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улашиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилганига ҳам икки ярим йилдан ошди.

ИНТИЗОМ БЎЛСА, ТАЪМИНОТ ҲАМ ЯХШИЛАНАДИ

МИБ ходимлари зиммасидаги вазифа-ларга масъулият билан ёндашди. Оқибатда энергия ресурслари бўйича қарзларни ундириш ҳамда суд ва бошқа органлар қарорларининг бажарилиши яхшиланди. Шу боис дастлаб давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 ноябрдаги «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Мажбурий ижро бюроси органларига суддан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчилик билан ула-нишининг олдини олиш билан бирга, сув таъминоти учун тўловларни ундириш вази-фаси ҳам юклатилди. Бу ваколат МИБ-га ўтказилган, тизим деярли тартибга солинди. Суддан ноқонуний фойдалана-ётган баъзи шахсларнинг таноби торти-либ, бир йил ичида сув истеъмоли бўйи-ча 1,1 трлн. сўм ундирилди. Таққослаш учун: республикадаги истеъмолчилардан 2016 йилнинг 10 ойида 343,6 млрд. сўм, 2017 йилнинг 10 ойида 389,4 млрд. сўм, 2018 йилнинг 10 ойида 663,4 млрд. сўм ва 2019 йилнинг шу даврида 851,6 млрд. сўм тўловлар ундирилган.

Тизимдаги хатлов жараёнида «Water control» дастуридаги истеъмолчиларнинг маълумотларига оидлик киритилиб, сув таъминоти корхоналари томонидан 575 714 та истеъмолчига жами 140,4 млрд. сўм нореал қарздорлик ҳисоблангани аниқла-ниб, уларни ҳисобдан чиқариш бўйича Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва-зирлигига маълумотлар тақдим қилинди. Қисқа вақт ичида сув таъминоти соҳа-сида тўлов интизоми мустаҳкамланди. Қисқача қилиб айтганда, ҳисоб-китоблар жой-жойга қўйилиб, тизим тартибга келтирилди. Шу сабабли давлатимиз раҳ-барининг 2019 йил 26 ноябрдаги фармони билан 2020 йилнинг 1 январидан сув таъ-миноти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлаш вази-фаси «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташки-лотларга ўтказилди.

Президентимизнинг 2018 йил 22 но-ябрдаги 5580-фармони билан МИБга қат-тик маъмурий чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли тўловларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўлашини таъмин-лаш вази-фаси ҳам юкланди. Бу борада ҳам ундирувлар йилдан-йилга ошиб бормокда.

Айни вақтда бюронинг оғир вази-фала-ридан бири ижро ҳужжатларининг ижро-сини таъминлашдир. Оғир дейишимиз-нинг сабаби шуки, ҳамма ҳам даъвогарга

ундирилиши лозим бўлган мулк ёки пулни ўз ихтиёри билан беравермайди. Ижрочи-лардан эса ҳақдорнинг ҳақини ундириб бериш талаб этилади. Бу борада ҳам анча ишлар қилинди. Маълумот ўрнида айта-диган бўлсак, тугатилган Суд департаме-нининг охириги икки йилу 7 ойи давомида 26,3 трлн. сўмлик 5,9 млн.та ҳужжатнинг ижроси таъминланган бўлса, бюро фао-лиятининг шунага мос даврида 42,1 трлн. сўмлик 7,1 млн.та ҳужжатнинг ижроси таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, бюрога келиб туш-ган 445599 та муурожаатнинг 199313 таси (44,7 фоизи) алимент билан боғлиқ. Дав-лат ижрочиларининг иш юритувидаги 974 миндан ортик ҳужжатнинг 318 миндан зиёди (32,7 фоизи) ҳам алимент билан бо-ғлиқ ижро ишларидир. Жавобгар ота-лар-нинг маълум қисми белгиланган алимент пулини вақтида тўлай олмайди. Шунинг учун бирга яшамайдиган оилаларни ша-



ронитига қараб яраштириш масалалари ҳам кўришмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса оиладаги соғлом муҳитни тиклаш орқали болаларнинг келажагини ҳимоя қилиш-дир. Ана шундай тадбирлар натижасида 12912 та оила яраштирилди.

Ижро ҳужжатлари тўғрисида яна шун-и айтиш лозимки, Минск конвенциясига аъзо давлатлар (Россия, Беларус, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Молдо-ва, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) ўртасида ёки икки томон-лама шартнома имзоланган давлатлар билан ижро ҳужжати ижроси таъминла-нади. Бунда қардор чет элда яшаётган ёки ишлайётган бўлса, Мажбурий ижро бюроси ижро ҳужжатини Ташқи ишлар вази-рлиги орқали конвенцияга аъзо давлатга ёки икки томонлама шартнома имзоланган давлатга юборлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-



нинг 2019 йил 12 мартдаги «Суд ҳужжатла-ри ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижро ҳа-ракатлари жараёнида ортикча овозагар-чилик ва бюрократик тўсиқларга барҳам беришга қаратилган. Қарорга мувофиқ 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжа-тларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилди.

МИБ ташкил бўлгандан кейин-ги қисқа вақт мобайнида соҳада аниқ механизм, иш самарадорлиги, меҳнат тақсимоти ҳамда ундирилган маблаглар-нинг ҳаққонийлигини таъминлаш бора-сида «E-auction», «MIB portal», «MIB inspektor» ва ҳисоботларнинг ягона портали каби янги дастурий тизимлар яратилди. Биргина «E-auction» ягона электрон савдо майдончаси ҳақида га-пирадиган бўлсак, авваллари аукционга қўйилган мулклар ҳақида кўпчиликнинг хабардор бўлиш имкони йўқ эди. Мазкур электрон савдо майдончаси орқали бу му-аммо бартараф этилди. Яна шуниси эъти-борлики, сотилаётган мулкка биринчи марта харидор топилмаса, кейин у пархи туширилган ҳолда сотилади.

бир нечта ташкилотдан қарзи йўқлиги ҳу-сусида маълумотнома олиб боришга тўғри келар эди. Айни вақтда бу каби маълумотларни нотариал идоранинг ўзи-да текшириб олиш имконияти мавжуд.

Мажбурий ижро бюроси фаолиятини бошлаганидан буён долзарб масалалардан бири асосий қарздорликлар билан боғлиқ. Аслида бундай қарздорликлар бюро таш-кил этилишидан аввал пайдо бўлган. Бюро ташкил этилгандан кейин улар кўпроқ юзага чиқди. Бу қарздорлик ўзи қаридан келиб чиққани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Ҳужжатлар шун-и кўрсатмоқдаки, таъминотчи корхоналар истеъмолчиларни тўлиқ қўриқдан ўтказмаслиги, энергия ресурслари ва сувнинг талон-торож қи-линиши, уларни истеъмолчиларга еткази-б беришдаги табиий йўқотишларнинг истеъмолчилар зиммасига қарз сифатида юкляниши бунга асосий сабаб бўлган. Яна ҳам соддарок қилиб айтганда, биронга хо-надон, корхона ёки ташкилотда фойдала-нишдан табиий ресурслар учун қарздорлик юзага келган бўлса, бу ҳақидаги маълумот рўйхат асосида таъминотчи корхонадан бюрого келиб тушади. Шу маълумот асо-сида давлат инспектори қарзни ундириш мақсадида истеъмолчининг йўқлаб борганда маълум бўладикки, унинг ҳисоблагичидаги қўрсаткич давлат инспекторининг қўли-даги маълумотдан кескин фарқ қилади. Мана шу жараёнда бюро ходимларига қўлаб эътирозлар бўлади. Шундан сўнг бюро ходимлари ушбу ҳолатга аниқлик киритиш учун қайта ҳисоб-китоб қилиб, хатлов ўтказилади, ортикча қарздорликни олиб ташлаб, базага ҳаққоний маълумотни киритиш чораларини кўради.

Бюро ўзи бошлаганидан ҳозирга қадар 1 трлн. 342 млрд. сўмлик нореал қарздор-лик аниқланди ва бу ишларга алоқадор шахсларга нисбатан 146 та жиноят иши қўзғатилди.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали қарздорликни камайтириш, энер-гия тармоқларига ноқонуний улашиш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бюро ходимларига осон кечмаяпти. Биргина ўтган йили МИБ ходимларига 132 та ҳолатда қаршиллик кўр-сатилгани учун айбдорларга қонуний чора қўрилди.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Халқимиз барча соҳаларда ҳаққоний ва одил муносабатга, муҳим ўзгаришларни ку-тмоқда. Қарс икки қўлда чикади деган-лари бежиз эмас. Истеъмолчиларда тўлов интизоми мустаҳкамланса, энергия ресур-сларига ноқонуний улашишларга барҳам бе-рилса, халқимизнинг узлуқсиз энергия билан таъминлаш имконияти ошади.

Ботир КУДРАДХОДЖАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси директори

Тошкентда қурилаётган уч поғонали йўл ўтказгич тез орада фойдаланишга топширилади.



Тадбиркордан қўй, мол ва пул талаб қилишди

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси фаолиятида асосий эътиборни иқтисодий жиноятларни аниқлаш, профилактика қилиш, тадбиркорлар ва истеъмол бозорини химоя қилиш, дори-дармон ва тиббий буюмларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, коррупцияни фож этиш ва қонунчилик тарғиботига қаратмоқда.

Тадбиркорларни ҳуқуқий химоя қилиш бўйича 4606 та профилактик тадбир ўтказилди, 182 та жиноят иши кўзгатилади. Мисол учун, «Asl chorva» МЧЖ раҳбари ўринбосари О.Сафаровнинг мурожаатига асосан ўтказилган тадбирда аниқланишича, фуқаро А.Абдуллаев О.Сафаровнинг ишончига кириб, ўзининг юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали захирадаги ердан 430 гектарини чорвачилик учун жамият номига расмийлаштириб беришни ваъда қилади. Эвазига 14 та қўй, 2 та қорамол ва 20 минг АҚШ доллари сўрайди. А.Абдуллаев дастлаб 14 та қўйни олади. Кейинчалик пулни талаб қилиб, тадбиркорни хол-жонига қўймайди. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда А.Абдуллаев О.Сафаровдан 20 минг долларни олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди ва унга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

млрд. сўм қўшимча солиқ ва 64,5 млрд. сўмдан ортиқ зарарнинг ундирилгани таъминланди. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ 86 та жиноят фож этилди. Шунингдек, жиноят иши кўзгатмасдан камерал текширув ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органларига 174 та субъект бўйича маълумот юборилиб, давлат бюджетига

15,5 млрд. сўмдан ортиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ихтиёрий тўланиши таъминланди. Ўтказилган тадбирларда валютага оид 711 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, шундан 187 таси бўйича жиноят иши кўзгатилади ва 524 та маъмурий иш юритилди. Ҳуқуқбузарлардан 925 669 АҚШ доллари, 545 210 Россия рубли, 2,1 млн. козок тенгеси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ноқонуний равишда муомалага киритилган 19,4 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун аҳоли билан мулоқот ўтказиб келинмоқда. Натижада 133 нафар мансабдор шахснинг порахўрлиги ва тамағирлиги билан боғлиқ 191 та жиноят фож этилди. Шу билан бирга жиноий даромадга қонуний тус берилган ҳолатлар бўйича 5 та жиноят иши кўзгатилади.

Дори ва тиббий буюмларни ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ 57 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 719 млн. сўмдан ортиқ дори-дармон ва тиббий буюмлар олиб қўйилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

такомиллаштириш юзасидан берилган тақлифлардан учтаси бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ходимларимизнинг иқтисодий жиноятлар, коррупция ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги ўнга тажрибаси омалаштирилди.

Джамшид Юлдашев, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлими бошлиғи

Ақлгамас, нафсга суюнганди...

Икромжон Саматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) телефонида нотаниш рақамдан бўлаётган кўнғироқдан таажжубланиб, аввалига жавоб беришга шошилмади.

Таниши Иброҳимнинг овозини эшитибгина чехраси ёришди:
— Бормисан, Иброҳим?! Нега дарагинг йўқ?
— Юрибмиз... Ўзингиз омонмисиз? Ака, битта «соққали» иш чиқиб қолди, қаердасиз? — сўради Иброҳим ундаги ўзгаришни сезиб. Сўнг мудоага ўтиб кўя қолди. — Муҳаммаджон деган танишимга ер керак экан. Олди-бердиси гап йўқ даяпти... Сотилдиган ер борми ўзи?
— Ер бор... — Икромжонга жон кирди. — Танишинг қаерда ўзи? Гаплашсак бўладими?
— Албатта, уни ишонгангизга юбораман ҳозир...

Муҳаммаджон кўп қуттирмади. Дам ўтмай Икромжон ишлайдиган сув истеъмолчилари уюшмаси биносига кириб келди.

— Менга бир гектар ер керак, — деди саломалиқдан кейин. — Боғ қилиш ниятим бор, ака...
— Майли-ю... Бу иш осонгина ҳал бўлмаслигини биларсиз?.. Ҳужжатларини тайёрлаш учун ҳам анча харажат қилинади.
— Бу ёғидан хавотир олмаг, ака! Биз ҳам кўчада юрагим... Бунақа ишларни яхши тушунамиз!

Икромжон янги танишининг бу гапидан хурсанд бўлиб кетди. Икковлон Икромжоннинг ўғлига тегишли маккажўҳори экиб қўйилган икки гектар ерга боришди. Муҳаммаджонга кўрсатилган ер ёқди. Фақат уни ўз номига расмийлаштириш, шунингдек, «олди-соти» масаласини обдон суриштирмаса бўлмасди. Шунинг учун Икромжондан сўради:

— Ернинг ҳужжатлари борми ўзи?
— Бўлмаса сизни бу ерга бошлаб келармиким?
— Майли-ю... Бу ер икки гектар экан... Унинг бир гектарини менга қандай расмийлаштириб

берасиз?
— У ёғидан хавотир олмаг! — қулди Икромжон. — Ернинг ўзига етти минг доллар берасиз. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва туман ҳокимининг қарорини чиқариш учун эса беш минг, жами ўн икки минг доллар бўлади...

Бу гапни эшитган Муҳаммаджоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Ундаги ўзгаришни сезган Икромжон гапларини изохлашга ошиқди:

— Беш минг долларни туман ҳокимининг ўринбосари, экология ва ДСЭНМ идоралари раҳбарларига бераман, ука... Биласиз, ҳозир мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайдиган замон...

Муҳаммаджон ноилоҳ рози бўлди. Бошқа илоҳи ҳам йўқ, қўйдан буён ер олиб молхона ташкил этиш нияти унга тинчлик бераётганди. Йўл-йўлақай ўйлаб кетди. Бу одамга ишонсинми, ишонмасинми?.. Ва ниҳоят тўғри қарорга келди...

Орадан икки кун ўтгач, кечки пайт соат 18:00 ларда икковлон Тошбулоқ шаҳарчасидаги айланма йўл ёқасида учрашишди. Икромжон Муҳаммаджонга ер савдоси учун 7000 доллар, ернинг ҳужжатларини расмийлаштириб бериш учун 5000 доллар, жами 12000 АҚШ доллари олгани тўғрисида тилхат ёзиб берди. Сўнг пулни санаб олиб, мамнун ҳолда миқозни кузатиб қўйди. Бироқ дам ўтмай қаршида пайдо бўлган нотаниш фуқароларни кўрди-ю, ҳаммасини тушунди...

Суд бўлди, Икромжон Саматовнинг қилмишлари ўз ибодитини тоиди. У суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди.

Боқижон ҲАКИМОВ, департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси катта инспектори

Ота ўғлининг устидан арз қилди

Фуқаро А.Қ.нинг мурожаати асосида унинг ўғли О.Қ. га нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

«Микрокредитбанк»нинг Фаргона минтақавий филиали мутахассиси О.Қ. отаси А.Қ. номига «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиради. Бундан бехабар отасининг имзосини ўхшатиб қўяди. Шу тариха укаси К.Қ., қариндоши А.Е. номидан ҳужжатларга ўзи имзо чекиб, 18 млн. сўмдан кредит ажратилишига эришади. Жами 54 млн. сўм кредит пулини «Олтинкўл» фермер хўжалиги ҳисобрақамига ўтказиб, харид қилинган 30 та қўйни машинага ортиб кетади. Қўйларни ўша кунгидеҳ бозорда сотиб пулини ишлатиб юборади.

Мутахассиснинг иштахаси қарнай бўлиб бораверди. Бўласи Й.Ў.нинг номидаги, аслида ўзи бошқарган дехқон хўжалигига йиллик 20 фойз устам тўлаш шарти билан қорамол боқиш учун кредит олгани ҳужжатларни тайёрлади. Й.Ў.га имзо чекириб олди. Икки ҳамқишлоғини

авраб, уларни «Дамас» автомобилларини гаровга қўйишга кўндирди. Шу тариха банкдан олишга эришган 75 млн. сўм кредит пулини раҳбари таниш бўлган фермер хўжалиги ҳисобига ўтказди. Эвазига олган 20 та қорамолни Ёзёвон туманидаги бозорда сотиб, пулини ўз эҳтиёжига сарфлади.

О.Қ. оқибатини ўйлабмасдан таниш-билишларини ҳам чув туширди. Банк миқозини, дехқон хўжалиги раҳбари К.В. «Кобальт» автомобили учун олган 113 млн. сўм кредитининг асосий қисмини қоплаган. Қолган қисмини бирдангига тўлаб қўймоқчиликдан бохабар бўлган О.Қ. уни аврашга тушди. Дон қорхоналари ва фермер хўжаликларига 50 млн. сўм пули борлигини, 34 млн. сўм нақд пул берса пул ўтказиш йўли билан кредитини ёпиб беражанин айтиб, уни ишонтирди. Ундан бўлиб-бўлиб икки марта олган пулни ҳам кредитни қоплашга тўламасдан ўзининг қарзини тўлашга ва турли эҳтиёжлари-

га сарфлайверди. Бошқа банкда ишлайдиган ҳамкасби Г.Қ. «Нексия» автомобилини харид қилиш учун «Микрокредитбанк»дан кредит олди. У ойма-ой кредит фойзини тўлаб борди. Қолган қарзини бирварақайга тўлаб қўйиш учун О.Қ.га нақд 9 млн. сўм берди. Х.Хўжамов бу пулни банкка топширмадан совуриб юборди. Шу тариха қулоғига қарзга ботганидан кейин отасига ёрилди. Отаси ўзи яшаб келаётган хонадонни сотиб қарзларини қисман қоплади.

О.Қ.нинг жиноий қилмишлари айбига иқролтигидан ташқарай фуқаровий даъвогар ҳамда жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан тасдиқланди. Суд ҳукми билан унга озодликдан маҳрум этиш ҳазоси тайинланди. Маҳқумдан «Микрокредитбанк»нинг худудий филиалига салкам 21 млн. сўм, фуқаро Г.Қ.га 9 млн. сўм, К.В.га 4 млн. 500 миң сўм ундирилдиган бўлди.

Ўткирбек ТОШХҲАЕВ, департаментнинг Фаргона шаҳар бўлими бошлиғи



Қонунда тақиқланмаган фаолият билан яширинча шўғулланаётган шахсларга ёрдам кўрсатилиб, 554 та тадбиркорлик субъекти солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинди, 610 та янги иш ўрни яратилди.

2019 йили жами 740 та жиноят иши кўзгатилиб, ноқонуний равишда муомалага киритилган 19,4 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Давлат бюджетига жами 352 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, етказилган зарарлар аниқланди. Шундан 118,7

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси магистратура бўлими бошлиғи У.Абдурахманов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи А.Ҳайитбоевлар Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) кўмагида ташкил этилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» мавзусидаги ўқув курсида иштирок этди.



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ

ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўқув курси давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилган ислохотлар, бу борада турли вазирлик ва идораларнинг ўрни, йўл ҳаракати иштирокчиларини ўқитиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган кампаниялар ташкил этилишига атрафлича тўхталиб ўтилди.

Ўқув курсида Камбоджа, Иордания, Малайзия, Непал, Покистон, Тайланд, Миср ва Бангладешдан 8 нафар вакил иштирок этди.

Тренинг доирасида Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг Осака шаҳри Киши тумани транспорт бюроси, Осака префектураси полицияси бош офиси, Осака шаҳри ҳокимлиги Фуқаролар масалалари бюроси, Осака шаҳри ҳокимлиги Давлат ишлари бюроси, «Сузуки» компаниясининг йўл ҳаракати бўйича таълим маркази, Ҳонда техника коллежи ва Осака университетига ташриф уюштирилди.

Маълум бўлишича, Японияда икки марта «Йўл ҳаракати уруши» қайд этилиб, биринчиси 1970 йилда, иккинчиси 1993 йилда рўй берган.

Биринчисида 16765 киши ҳалок бўлган ва мутахассислар бунини транспортларнинг кўпайгани, йўлларда полиция ходимлари сони кам бўлгани билан изоҳлашади. Шундан сўнг йўл ҳаракати хавфсизлигига оид конунчилик қайта кўриб чиқилиб, хавфсизлигини таъминлаш борасида идораларо ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган «Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид сиёсатнинг асослари тўғрисидаги конун ва Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид фундаментал дастур қабул қилинди.

Ислохот ва аҳолини бу жараёнга кенг жалб этиш натижасида 1979 йилга келиб бу рақам 8466 тага камайган.

Бироқ йўл ҳаракати хавфсизлигига оид таълим сифатининг пастлиги сабабли 1993 йилда йўлларда 11452 нафар одам ҳалок бўлиб, бу даврда мамлакатда иккинчи йўл ҳаракати уруши рўй берган деб ҳисобланади.

Қилинган ислохотлар натижасида йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этганлар сони йилдан-йилга камайиб, 2019 йилда 3215 киши оламдан ўтди. Бунинг асосий сабабларидан бири тез тиббий ёрдам ва кўтқарув хизматиининг сифати ошганидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати 2018 йил якуни бўйича чоп этган ҳисоботда кўрсатилишича, 100 минг аҳолига нисбатан дунё бўйича ўртача 18,2 та ўлим қайд этилган бўлса, Японияда бу рақам 4,1 та, Ўзбекистонда 15,9 та бўлган.

Японияда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл муҳандислиги, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинишини таъминлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича таълим бериш тамойилларига асосланади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Японияда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга бир нечта идора масъул, уларнинг ваколати конунда аниқ белгилаб берилган. Масалан, Япония ҳукумати йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича умумдавлат миқёсида ягона сиёсатни олиб боради, концептуал ҳужжатларни қабул қилади ҳамда масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг йўл бюроси йўл курилишини режалаштириш, амалга ошириш ва йўлларнинг ҳолатини сақлаб туриш билан шуғулланса, вазирликнинг йўл транспорт бюроси транспортларни рўйхатдан ва техник кўриқдан ўтказишни мувофиқлаштириш ҳамда хусусий транспорт компаниялари фаолиятини

бошқаришга масъул.

Миллий полиция агентлигининг асосий вазифалари йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига риоя этилишини таъминлаш ва хайдовчилик гувоҳномасини беришда иштирок этишдир. Агентлик полициянинг йўл ҳаракати хавфсизлигига оид сиёсатини ишлаб чиқади ва мувофиқлаштириб боради, префектура полицияси эса йўл ҳаракати хавфсизлиги чораларини қўллайдди.

Бундан ташқари, ҳукумат таркибидagi Миллий жамоат хавфсизлиги комиссияси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўқитиш, хайдовчилик гувоҳномасини бериш, йўл ҳаракатини бошқариш, йўл ҳаракати хавфсизлиги воситаларини тақомиллаштириш, йўл ҳаракати бўйича йўриқнома ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабабларини ўрганиш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланади.

Ҳукумат таркибидagi Молиявий хизматлар агентлиги суғурта компанияларининг суғурта фаолиятини назорат қилади.

Ички ишлар ва коммуникация вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлигига оид коммуникация тизимини ривожлантирса, вазирлик ҳузуридаги Ёнгин ва табиий офатларни бошқариш агентлиги фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш тизимини бошқаради, Соғлиқ, меҳнат ва фаровонлик вазирлиги эса фавқулодда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириб боради.

Таълим, маданият, спорт, илм ва технологиялар вазирлиги боғча ёшидаги болалар, мактаб ўқувчилари ва университет талабаларига йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига бўйича таълим беришни ташкил этса, Адлия вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузгани учун озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар-

ни ўқитишни амалга оширади.

Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги транспорт хавфсизлигини таъминлаш бўйича Япония стандартини ишлаб чиқади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу борада ижобий натижаларга эришишга йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда бир нечта масъул идоранинг куч ва имкониятлари бирлашгани, беш йиллик дастурнинг пухта ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши; жарималардан келиб тушган маблағлар йўл ҳаракати хавфсизлиги воситаларини ўрнатиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигига оид таълимга йўналтирилгани сабаб бўлган.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Японияда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга оширишда фақат тахлилий ишлар натижаси иннобатга олинадди. Шу сабабли мамлакатда йўл-транспорт ҳодисаларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Полиция тахлилидан фарқли ўларок, Японияда профессионал даражада таҳлил қиладиган Йўл-транспорт ҳодисаларини ўрганиш ва маълумотларни таҳлил қилиш институти фаолият юритади.

Ўқув курси давомида иштирокчиларга йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бошқа қизиқарли маълумотлар ҳам берилди.

Шуни қайд этиш жоизки, Японияда орттирилган билим ва тажрибани масъул идоралар вакиллари билан биргаликда Ўзбекистонда ҳам қўллаш чоралари кўрилади.

Улугбек АБДУРАХМАНОВ,
Бош прокуратура академияси бўлим бошлиғи
Анвар ХАЙИТБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи

JINQIYAT VA JAZO

НАФС ИЗМИДАН ЧИҚОЛМАЙ...

Инсон қачон нафсига бўйсунди?
Виждон юзига парда тортилганида,
иймондан йироқлашганида...

Чорибой Мадиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2012 йилнинг ёзидан буён Ободонлаштириш бошқармаси омборчиси ва ҳазинабони бўлиб ишлаб келар, ўз вазифасини сидқидилдан адо этишга интиларди. Ҳар ҳолда, атрафдагиларда шундай таассурот уйғотганди. Лекин бора-бора нафси ҳақалак ота бошлади, тўғри йўлдан чалғиди.

У хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномага асосан сотиб олинган ва бошқарма омборига кириб қилинган 632 дона замонавий «LED» ёриткичлари борлигини биларди. «Буларни қандай ўзлаштириб олсам экан?» деган чиркин ўйда юрганида хомийлар кўмаги билан 32 та худди шундай ёриткич со-

тиб олиниб, 9 донаси Косонсой тумани жоме масжиди биноси олдига, 23 донаси эса Тўрақўрғон – Косонсой йўлига ўрнатилади. Бундай қулай фурсатни бой беришни истамаган Чорибой дарров қалбаки далолатнома расмийлаштириб, унда ёриткичлар Ободонлаштириш бошқармаси омборидан олингани ва ўрнатилишини қайд этади. Кейин бу ҳужжатни индамайгина ҳисобхонага киритиб юборади. Шу зайл 32 та ёриткични осонгина ўзлаштиришга эришади.

Осон топишган пулни таъми ёқиб қолиб, Чорибой энди бошқарма балансидаги «ТТЗ-80» русумли трактор тўққиз ой давомида «Дилмурод ғаллазор» фермер хўжалигига агротехник тадбирларга жалб этилгани, унга хўжалик томонидан ёниги сарфланганини билгани ҳолда, мазкур тракторга қалбаки йўл варақаларини расмийлаштириди. Унга 3 941 205 сўмлик (1219 литр) дизель ёнилғиси харажат қилинганини қайд этди. Ушбу сохта ҳужжатни механизатор Апурали Саматовга имзолатиб олди. Натижада шунча ёнилғини ўзлаштириб юборди.

У жиноий қилмишларини давом эттириб, бошқарма балансидаги бульдозер аллақачон Косонсой туманидаги бошқа бир корхона балансига ўтиб кетган бўлса-да, унга бир нечта рақамсиз йўл варақаси ёшиш орқали 490 литр, йўл варақаларисиз эса 448 литр ёнилғи ишлатилганини ҳужжатлаштирди. Шу йўл билан яна 2 385 538 сўмлик ёнилғини талон-торож қилди.

Чорибой шу зайл бошқарма балансидаги супурги, белкурак борми, қўлга илингулик нима бўлса пуллаш йўлига ўтди. Тез фурсатда 1 315 732 сўм пулни жигилдонига урди.

Ҳар қандай жиноий қилмишнинг поёни бўлади. Шундай бўлди ҳам. Бошқармада ўтказилган текширишда унинг қилмишлари бирма-бир очилверди. Натижада жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан жавобгарликка тортилди.

Раҳматулло ТУРАБОЕВ,
Норин тумани прокурорининг ёрдамчиси

Жорий йилда Беларуснинг «Белавиа» авиакомпанияси Тошкентга мунтазам парвозларни амалга оширишни бошлайди.

13-ФЕВРАЛ 2020-Й.
ҲУҚУҚ № 6
(1203)

9

ОИЛАДА ЭРКАКНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Қадимдан халқимиз отани, эркакни эъзозлайди. «Дастурхон олдига аввал отанг келсин». «Аввал эркак киши юрсин». «Ўғил бола таянч ва суянч бўлади...». Бундай гапларни бот-бот эшитганмиз. Аммо бугунги кунда ҳам шундайми?

Оилаларда отанинг ўрни йўқолиб бориши оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан оғринаямиз. Лекин бунинг ечими каерда? Кимда?

Ижтимоий тармоқларда она ва янги келин бўлиб тушган кизнинг овозли хабарлари тарқалди. Кимдир қулди, кимдир қуюнди. Сухбат жараёнида кизнинг на ўз оиласи ва на келин бўлиб тушган хонадонда эркакнинг, отанинг ўрни қолмаганини сезиш қийин эмас.

Баъзи ёш оилаларда бирор келиш-мовчилик чикса, бу муаммони кўни-кўшни ёки қариндошлар ечишга бел боғлашади. Оиланинг раҳбари бўлмиш ота эса чеккада томошабин ёки қайнонанинг қизигидан чикмай, келиннинг исботланган ёки исботланмаган найрангларига ишониб ўтираверади. Натijaда ёш оила ажралиб кетади. Оила деб аталмиш муқаддас риштани сақлаб қолиш кўпни кўрган, ҳаётнинг баланду пастини яхши биладиган отанинг вази-фаси эмасми?

Оила жамиятнинг кичик, лекин асосий бўғинидир. Ҳар бир оилада таълим-тарбия, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қўнғилдагидек қондирилса, бутун бир жамиятда ўз ифодасини топади. Бу эса шу кичик

кўрғоннинг эгаси, оила раҳбарлари, эркакларнинг зиммасидаги шарафли бурчдир.

– Ҳамкасбимиз Дилоромхон ўтган йили ўғил уйлантирди, – дейди Гуландом Халилова. – Орзу-хавас дея сарполар, лабдабалар, совга-саломлар билан маҳалла-кўйнинг тилига тушди. Ҳавасим келганди. Яқинда тоби йўқлигини эшитиб, кўргани бордим. Шунда дил ёриб қолди. Фигони фалакка ўрлади. Нима эмиш, келини хурмат-иззатни билмасмиш, тўрт ой яшамасдан қайно-та-қайнонага алоҳида уй қилиб чиқариб юборишларини айтибди. Улар эса ўғлининг алоҳида яшашини истамас экан. Келин ва қайнона жанжали бир йил давом этгач, келин ота уйига кетиб қолибди. Ўғил сарсон. Опасини деса ҳомиладор аёли, оиласини деса онасининг кўнглига оғир ботади. Кўёвнинг отаси эса «бу муаммони қайнона-келин келишиглар, ўғлинг нима деса шуни қилинглар», – дегган эмиш.

Аслида эркак киши ўз чидами, сабри, ақли билан муаммони хал қилиши мумкин. Эр кишидан кези келганда қаттиққўллик, кези келганда эса мулоиймлик талаб этилади. Аёлининг айрим камчиликларини чиройли йўл билан тўғрилаб, фарзандларининг ҳам ҳаракат-

ларини мунтазам назорат қилиб туриш унинг вази-фаси.

– Педагоглик фаолиятимда ҳар хил воқеаларга гувоҳ бўлдим, – дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Хонзода Давронова. – Синф раҳбари бўлганимда болаларнинг ота-онаси билан ишлашimgа тўғри келади. Бола кўп вақтини мактабда ўтказганидан кейин ундаги ўзгаришларни ҳам кўпроқ биз, педагоглар пайқаймиш. Бир ўқувчим 9-синфлигида дарсдан тез-тез қочадиган, ўртоқлари билан уришадиган, дарсларни тайёрламайдиган бўлди. Аввалига яхши гапирдим, уришиб кўрдим, эркалаб кўрдим, бор билимимни нишга солдим. Аммо... Мажбур бўлдим ва «отанинг қақирасан» деб шарт қўйдим. У бунни қилмади. Ўзим онасига кўнғирок қилиб вазиятни тушунтирдим ва отаси келиши кераклигини қаттиқ таъиниладим. Ота келгач, учаламиз ўгириб суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнидаёқ ота билан ўғил гап талашиб, тортишиб, бири иккинчисини эшитмай қолди. Оилабоши хали суҳбатимиз тугамасдан аёлига кўнғирок қилиб, уни болага қарамаганликда айблаб, ҳақорат қила бошлади. Тушундикки, хаго отада экан. Ўғил эса аллақачон отани хурмат қилмай қўйган эди. Бу ўқувчим билан узок вақт, мута-

хассислар иштирокида ишладик. Аммо оиладаги муҳит унинг онгида жароҳат бўлиб қолганди. Ижобий томонга ўзгарди. Лекин бу каби оилада ўз ўрнини билмасдан яшаш уларнинг ҳар бирига руҳий жароҳат етказаверади.

Педагоглар билан суҳбатда ўқувчиларнинг ота-онасига хурмати, қилаётган ишлари, бораётган жойлари учун қимдан руҳсат сўраши ҳақида кизиқиб кўрдим. Уларнинг жавобига кўра аксарият болалар фақат онаси билан кўп мулоқотда бўлади. Улардан руҳсат сўрайди. Бу онанинг фарзандига кўпроқ ён босиши билан изоҳланиши мумкин. Лекин ота ва фарзанднинг тобора бир-бирдан узоқлашиб бораётгани оилада отанинг, эркакнинг ўрни йўқолиб кетишига олиб келмайдими?

Оилада фарзанд онанинг отага, отанинг эса онага нисбатан беҳурматлигини кўриб тарбия топар экан, эртага ўзи оила қурганда турмуш ўртоғига ҳам шундай муносабатда бўлмайди?

Бу каби кичик кўринган, аслида катта муаммолар ҳаммамизни уйлантириши керак.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
журналист

MUNOSABAT

ТАВСИЯНОМА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗГА ЭГА?



Ўзбекистон қуроли кучлари халқаро миқёсда катта нуфузга эга тузилмалар сирасига киради.

У асосан ватанимизнинг манфаатларини, суверенитетини, худудий яхлитлигини, эл-юрт осойишталигини муҳофазалаш, урушлару қуроли можароларнинг олдини олиш учун ташкил этилган. Шу боис армияда хизмат қилиш шарафли бурчдир.

Кейинги йилларда армиямизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш, қўшинларимиз сафини малакали калрлар билан тўлдирish борасида диққатга молик ишларга қўл урилди. Аввало, бу хизматга замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, жисмонан бакуват, интеллектуал салоҳияти юқори, масъулиятни теран хис этувчи ёшлар қақирладиган бўлди. Иккинчидан, ҳарбийларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, қатор чоралар кўрилди.

Хусусан, яқинда «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Унга кўра тавсияномалар Қуроли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юксак натижаларга эришган, зарурий

билим савиясига эга, намунали ҳарбий интизомини намойиш этган энг муносиб ҳарбий хизматчиларга берилади.

Маълумот учун таъкидлаш жоизки, гуруҳ (бўлинка) командирлари томонидан ўқув йили дастури асосида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари натижалари бўйича рейтинг кўрсаткичлари юритилади. Ўқув фанларидан қўйилган баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи журналларда акс эттирилади ва йил давомида ҳисоблаб борилади. Мана шу баҳолар уларнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Яқинда тест синовлари ўтказилишидан олдин ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига кирилган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг 40 фоизига қўшимча балл берилади. Мана шу баллар тест синовиде олинган балларга қўшилади ва якуний кўрсаткич чиқарилади. Белгиланган лимитга кўра энг юқори балл олган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома берилади. Тавсиянома

берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Қуроли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги таълим йўналишларига ўқишга киришда тест натижаларига кўра тўплаган баллининг 50 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Шунингдек, абитуриентлар мамлакатнинг олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриятга ўқишга кириши учун тегишли ўқув йилига тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари ажратилади ва улар ушбу кўрсаткичлар доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Наврўз РАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори